



# ЁШЛАР — БУГУН ВА КЕЛАЖАК

Бошланиши 1-саҳифада.



**Павел КРАСНОРУЦКИЙ,**  
Россия ёшлар иттифоқи раиси:

— Фестиваль давомида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан кейинги ҳамкорликимиз йўналишларини белгилаб берувчи "Йул харитаси"ни ишлаб чиқдик. Унда асосий эътибор ёшлар туризмни ривожлантиришга қаратилган. Ёшларимизда Ўзбекистоннинг энг машҳур кўча шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро, Хивада...

ги осори-атиқаларга қизиқиш ортмоқда. Шу нуқтаи назардан Россиядан Ўзбекистонга савҳатлар уюштириш бўйича самарали механизмни яратиш аниқ мудоа.

Яна бир муҳим масала икки томонлама ёшлар бизнес-инкубаторлари фаолиятини ривожлантириш ҳамда ёш лидерларнинг ШХТга аъзо давлатларда амалга оширилаётган лойиҳаларда фаол иштирокини таъминлаш билан боғлиқ. Ишончим комилки, бу йўналишда ҳам тез орада ижобий натижалар қайд этилади.

"Ёшлар — келажагимиз", деган шиор бор. Бироқ мен ёшларни бугунги кунимиз деб ҳам атаган бўлардим.



риш, ҳудудларнинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш каби долзарб мавзуларда фикр алмашилди.


Фестивалнинг навбатдаги сессияси доирасида Болалар ва ёшларни гражданилик ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш маркази, Волонтерлик марказлари асосида, Имконияти чекланган болалар ва ёшлар маркази, Бутунроссия "Волонтер мекдалар" жамоатчилиги ҳаракати ҳамда "Муъжизалар вақти" ёшлар кўнгилдилар ҳаракати вакиллари ўз тажрибаси билан ўртоқлашди.

— Мақсадимиз муштарак, лойиҳаларга ёндашувимиз эса турлича, — таъкидлади Ўзбекистон имконияти чекланган болалар ва ёшлар маркази директори Раъно Шодиева. — Россиялик ҳамкасблардан кўп нарса ўргана оламиз. Улар ҳам бизнинг иш услубимизга қизиқмоқда. Тажриба алмашиш яхши, аммо кўчирмақашликка йўл қўйиб бўлмайди. Зотан, ҳар қайси лойиҳани ишлаб чиқишда халқ

менталитети ва миллий ўзига хослоҳиятини ошириш каби долзарб мавзуларда фикр алмашилди.

— Ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик ва ОАВ сессиясини Москва давлат университети Ахборот-таҳлил маркази бош директори Дарья Чижова ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ахборот хизмати раҳбари Нодир Абдуқодиров олиб борди. Жонли мулоқот чоғида икки мамлакат ёшлар ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини умумий мезонлар асосида тизимли ёритиш масаласи ўртага ташланди.

Спикерлар ижтимоий соҳадаги ҳамкорликка доир фикр-мулоҳазалари билан ҳам ўртоқлашди. Жумладан, Россия Федерацияси ҳукуматига қарашли Молия университети ходими Евгения Махмутова ёшлар фан ва маданият тарбиясига бекиёс ҳисса қўша олишини таъкидлади экан, бунинг учун қулай муҳит яратиш зарурлигига урғу берди.



Нигина ИМОМОВА  
Москва — Тошкент

## Жаҳон хунармандлари шахри



Бошланиши 1-саҳифада.

— Буюмларни тиклаш учун жаҳондаги кўплаб музейларнинг сайтларини, китоб-журналларни мунтазам кузатиб, жуда кўп вақт сарфладим, — дейди Шарифжон Раупов. — Юртимизнинг даярли барча музейларида бўлдим. Икки йил аввал Соҳибқирон бобомизнинг узуги ҳақида ўқиб қолдим ва маълумот тўпладим. Тинимсиз изланиш билан шу узукнинг ноёб нусхасини тикладим. Гардишдаги нақшлар, айлана қирғоғидаги арабий ёзувлар, узук кўзидаги нефрит тошдан қилинган муҳр белгисини аслидек ишлашга ҳаракат қилдим.

Фестиваль иштирокчиларининг маҳоратини баҳолаш учун халқаро хай'ат тузилди, таниқли санъат ва маданият арбоблари, олимлар, тадқиқотчилар, амалиётчилар, иштирокчи давлатлардан тегишли соҳалар намояндалари танловга тақдим этилган материалларни белгиланган мезонлар асосида кўриб чиқди. "Энг яхши хунарманд", "Энг ёш хунарманд", "Энг яхши хунармандлик мактаби устаси", "Қадимий сулола давомчиси" ҳамда "Қадимий хунармандлик турини тиклаган хунарманд" йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланди. Уларга ташкилий қўмита томонидан диплом, рамзий хайкалча ва пул мукофотлари топширилди.

Турли кадрият ва аъёнларни ўзида бирлаштирган, дўстлик ва ҳамкорлик анжуманига айланган биринчи халқаро хунармандчилик фестивали якунига етди. Президентимиз таъкидлаганидек: "Ушбу халқаро фестивал нафақат кўп миллатли Ўзбекистон халқи, балки жаҳон хунармандлари, бутун дунё усталарининг катта байрами, десак, тўғри бўлади".

Шерзод МАХМУДОВ

### Yoshlar va huquq

## Тарғибот давом этмоқда

Ички ишлар вазирлиги малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари Тошкент шаҳридаги 283-умумтаълим мактабда ўқувчилар билан "Тинчлик ва оқилолликни сақлашда ёшлар масъулияти" мавзусида давра суҳбати ўтказди. Сўзга чиққанлар, "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари", "Жаҳолатга қарши — маърифат" деган юксак ғояларни ижтимоий ҳаётда қарор топтиришда ёшларни ватанпарвар, мард ва жасур, садоқатли ва ҳалол этиб тарбиялаш муҳим масала эканини таъкидлади.


Тадбирда "Ёшлар ўр-тасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси" мавзуда викторина ўтказилгани ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Карим ЗАРИПОВ

### Tashabbus

## Илк ҳудудий олимпиада

Халқ таълими вазирлиги ва Гурлан тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида Иқтидорли ўқувчиларни халқаро фан олимпиадаларига тайёрлаш департаменти мутахассиси, "Мард ўғлон" давлат мукофоти соҳибига Сардорбек Бозорбоев ташаббуси билан математика фанидан илк ҳудудий олимпиада ташкил этилди.



Худудий олимпиада Гурлан туманидаги 40-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабда бўлиб ўтди. Билимлар синовида ҳудуддаги 44 та мактабнинг 176 нафар 8–11-синф ўқувчиси иштирок этди.

Урганч давлат университетининг 3 нафар етакчи профессор ўқитувчиси ҳақимлигида ўтган олимпиада якунланган, ўқувчилар хато ва камчиликларини билиши учун берилган 5 та масала ечими ва баҳолаш мезони билан танишди.

— Имом Бухорий: "Дунёда илм-

дан тортиб космик кемагача бўлган улкан ихтиролар замирида алгебра ётиши ҳаммага маълум. Дунёга тегаран нигоҳ билан боқиб, инсоний туйғуларни тарбиялаш учун, аввало, чуқур билимга эга бўлмоқ зарур. Бу борада юртимизда ёшларга яратилган имкониятлардан фойдаланган ҳолда илк бор тажриба сифатида Гурлан туманида олимпиада ўтказди. Келажакда республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам шундай баҳсларни ташкил этишни мақсад қилдим.

Ҳақимлар хулосасига кўра, 8–9-синфлар ўртасида 40-мактаб ўқувчиси Бекзод Давлетбоев, 10–11-синфлар ўртасида Дилнора Салаева 1-урини кўлга киритди.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Сумбулой НУРМЕТОВА

### Biznesga qadam

## Тажриба ҳам бир хазина

Навойи вилояти Ёшлар марказида "Муваффақиятга эришиш сирлари" мавзусида ўз ишида муваффақият қозонган тадбиркорлар ҳамда ёшлар билан очик мулоқот бўлиб ўтди. Ташаббус Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши, Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини кўллаб-қувватлаш маркази бўлими ҳамда "Yuksalish" умумийлик ҳаракати ҳамкорлигида амалга оширилди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ёшлар сессияси, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Фахриддин Солиев ҳамда вилоят ёшлар етакчиси Жамшид Хўжаев сўз олиб, юртимизда тадбиркор бўламан деган йигит-қизларга кенг йўл очилганини, яратилган имкониятлардан оқилона фой-

даланиш зарурлигини таъкидлади. Тажрибали тадбиркорлар ёшларга бизнес юритишга доир бир қатор амалий tavsiyalar берди.

— Учрашувдан сўнг менда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истаги туғилди, — дейди Навойи давлат педагогика институти талабаси Мийригул Абдинова. — Кўплаб керакли маълумотларга эга бўлдим. Қорақалпоқ миллий каштачилиги билан шуғулланаман. Шу йўналишда кичик корхона очини режалаштирдим. Давлатимизнинг қўмаги асосида ўйланган барча режаларим рўёбга чиқишига ишончим комил.

Жамшид МУСАЕВ

### Qaror va ijro

## КУТУБХОНА ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Президентимиз илгари сурган 5 та муҳим ташаббус аҳоли, аниққис, ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилишга қаратилган. Аини пайтда бу борада ишлар янада жонланди.

2019 йил 7 июнда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси аҳолисида ахборот-кутубхона хизмати кўрсатилишини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорни қабул қилиниши китобхонлик ҳамда ёшларнинг маънавий тарбиясини шакллантиришда мутолаанинг аҳамиятини янада мустаҳкамлаб бермоқда. Мазкур қарор айнан кутубхоначиликка қаратилгани билан соҳага оид аввалги қарор ва фармонлардан ажралиб туради.

Қарорда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қошида 186 та туман(шаҳар) ахборот кутубхона марказларини ташкил этиш, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар таълими муассасалари қошида фаолият кўрсатаётган барча ахборот-ресурс марказларини тугатиб, уларнинг китоб фондига, штат бирликларини янги туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларига бериш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, 2019 – 2024 йилларда ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш

Концепцияси тасдиқланиб, шу йиллар учун соҳани ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Концепция республика ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришнинг мақсад, вазифа, устувор йўналиш ҳамда механизмларини белгиловчи ягона ва бир бутун тизимини ўзида акс эттиради.

Белгиланганидек, аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, давлат-хусусий шериклик фаолиятини йўлга қўйиш, хусусий ва электрон(виртуал) кутубхоналар тармоғини кенгайтириш, электрон китоблар тарқатишга иختисослашган интернет-ресурслар билан ҳамкорликни кучайтириш, китоблар фонди яхши сақланишини таъминлаш каби вазифаларни бажариш орқали кутубхона хизматини жаҳон андалазлари даражасига кўтариш мумкин.

Бундан ташқари, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга ахборотдан фой-

даланиш учун кенг имконият яратилади. Бунинг учун биз, кутубхона ходимлари китобхонларга анъанавий хизмат кўрсатиш усулидан замонавий ахборот-кутубхона хизматлари ўтишимиз зарур. Массофадан хизмат кўрсатиш тизими модернизация қилинади.

Кутубхоналарни компьютер техникаси, махсус мебель, зарур ускуналар билан жиҳозлаш, ўқув залларини махсус компьютер ва қўшимча воситалар билан таъминлаш кўзда тутиляпти. Ахборот-ресурс марказлари фаолиятида вақт регламентини ишлаб чиқиш ва аҳолига қуни узайтирилган тартибда хизмат кўрсатиш масаласи ҳам қарорда ўз аксини топган. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида "Йул харитаси" ишлаб чиқилди. Қисқача айтганда, қарор ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини ривожлантириш, аҳолини миллий ва жаҳон маданияти бойликлари, амалий ва фундаментал билимлар билан таништириш борасида муҳим ўзгаришларга асос бўлди.

Гулбахор ҚОБИЛЖОНОВА,  
Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси етакчи мутахассиси

# ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ЁШЛАР — КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

Бозор-ўчар қилаётган ёши улуғларимиз баъзан замонавий савдо расталарига ишора қилиб:

**“ОТАНГ — БОЗОР, ОНАНГ — БОЗОР”, ДЕЙДИ.  
ХҲШ, БУ ГАПНИНГ МАЪНОСИ НИМА?**

**Bugunning gapri**

Бозорда ҳар ким чўнта-  
гига қараб харид қилади.  
Ўртаҳол одам умуман  
яқинлаша олмайдиган  
дўконлар ҳам бор. Сотув-  
чилар харидорнинг ташқи  
қиёфасига қараб муома-  
ла қилишга одатланган.  
Борди-ю, нарх-наводан  
норози бўлсангиз, берила-  
диган жавоб битта: “Бозор  
иқтисодиёти”.



## Бозор иқтисоди(ёти)

Ҳа, охири пайтда бу ибора оғиздан тушмай қолди. Шайх Мухаммад Со-  
дик Мухаммад Юсуфнинг 1991 йил  
28 февралда “Халқ сўзи” газетасида  
эълон қилинган “Бозордан чўчининг  
хожати йўқ” сарлавхали мақоласида шун-  
дай ёзди: “Бизнингча, “бозор иқтисоди”  
тўғри атама, “бозор иқтисодиёти” дейиш  
нотуғри. “Иқтисодиёт” — “иқтисод”  
сўзининг жами, “иқтисод” эса арабча  
сўз бўлиб, тежамкорлик маъносини  
англайди ва Ғарб халқларидаги “эко-  
номика” атамаси ўрнида ишлатилади.  
Ота-боболаримиз бу соҳада ўзига хос  
тенглама ишлатганлар: Аллоҳ-ин-  
сон-молда-вақт = иқтисодий раванк”.  
Бу тенгламанинг моҳияти шунки, Ал-  
лоҳга имон келтириш инсонни очқўзлик  
ва омонатга хиёбатдан асрайди. Дунёдаги  
барча нарсалар инсон эҳтиёжи учун яра-  
тилган. Учинчи омил моддий нарсалар  
бўлиб, улар хилма-хил: дехкончилик,  
денгизчилик, саноат, чорвачилик синга-  
ри. Вақтинг эса қадрига етиш лозим.  
Одамлар камолотга эришса, иқтисодий  
тараққиёт бўлади”.

Афсуски, бугун деярли ҳамма бозор-  
ларни олиб-сотарлар эгаллаб олган.  
Дехкон бозорда эмин-эркин савдо қилол-  
майди. Ҳақини талаб қилса, дарров низо  
келиб чиқади. Шу боис бозорларимизда  
нарх сунъий равишда кўтарилмоқда.  
Имом Бухорий тўплаган ҳадиси шарифда  
айтилишича, Пайгамбаримиз (с.а.в.):  
“Отликларнинг олдини тўсиб чиқманг-  
лар, шаҳарлик қишлоқликка савдо қилиб  
бермасин”, — деган экан. Бу, бозорга ўз  
маҳсулотини олиб келаётганларнинг йў-  
лини тўсманг, улардан арзонга олиб қим-  
матта сотманг, деганидир. Зотан, бозорга

онда-сонда келувчи дехкон ўз маҳсулотини  
наҳқий баҳосини билмай қолиши  
мумкин. Натигада ўзи ҳам, харидор ҳам  
зарар кўради.  
Нарх-навоини сунъий равишда кўтариш  
исломда “эхтикор” дейилади. Пайгамба-  
римиз (с.а.в.): “Эхтикор қилувчи қандай  
ёмон банд! Арзончиликни эшитса хаф,

завот олиб келади. Лекин олиб-сотарлар  
уларни ичкарига йўлатмайди. Натигада  
дехкон 3 минг сўм деб турган бир литр  
сутни 5 мингга харид қилишга мажбур  
бўласиз.  
Нарх-навоини назоратга олиши керак  
бўлган мутасадди ташкилотлар юқорида-  
ги ҳолатга эътибор қаратса, мақсадга му-

**АФСУСКИ, БУГУН ДЕЯРЛИ ҲАММА БОЗОРЛАРНИ ОЛИБ-  
СОТАРЛАР ЭГАЛЛАБ ОЛГАН. ДЕХКОН БОЗОРДА ЭМИН-ЭРКИН  
САВДО ҚИЛОЛМАЙДИ. ҲАҚИНИ ТАЛАБ ҚИЛСА, ДАРРОВ НИЗО  
КЕЛИБ ЧИҚАДИ. ШУ БОИС БОЗОРЛАРИМИЗДА НАРХ  
СУНЪИЙ РАВИШДА КЎТАРИЛМОҚДА.**

қимматчиликни эшитса хурсанд бўлади”, —  
деганлар.

Пойтахтимиздаги “Буюк Ҳикмат йўли”  
метро бекатига йўлингиз тушса, катро-  
расига қурилган янги савдо дўконларини  
кўрасиз. Бирок уларда сотилаётган  
маҳсулотларнинг нархи осмонда. Юр-  
тимизда ишлаб чиқарилган аёللар три-  
котажи кўйлақларининг энг арзони 120  
минг сўм туради. “Мах way” кафесида  
овқатланаман деганлар камида 50 минг  
сўм сарфлайди. Лекин худди шу жойда-  
лар ер ости ўтиш йўлида ёйма бозор ҳам  
бор. Нархлар жуда арзон. Ер усти ва ер  
остидаги бундай тафовутни кўриб ёқа  
ушлайсан, киши. Ёйма бозорлар Тошкент  
шаҳрининг марказий ҳудудларида ҳам  
учрайди. Юнусобод дехкон бозори худ-  
дида қарашли ер ости ўтиш йўлида оёқ  
қўйишга жой қолмаган. Қўйлик мавзеси-  
даги автобус бекатлари ҳам чайковчилар  
билан тўлиб кетган. Қўйлик бозорига  
турии худудлардан дехконлар мева-саб-

вофик бўларди. Шу ўринда Шайх ҳазрат-  
лари хотираларидан бир парча келтирсак:  
“Саудия Арабистонига подшоҳ Фаҳд ибн  
Абдул Азиз билан учрашувга боргани-  
мизда Али Ризо деган киши хизматимиз-  
ни қилиб турди. Кейин билсак, биз учган  
самолёт ҳам шу кишиники экан. Мен у  
кишига савол бердим, биз Саудия ҳуку-  
мати нефтни сотиб, пулни босиб олган,  
истаганини қилаверди, деб ўйлардик.  
Лекин келганимиздан бери ҳукуматники  
деган гапни эшитмадик, дўконлар, тақси-  
л ер ости ўтиш йўлида ёйма бозор ҳам  
бор. Нархлар жуда арзон. Ер усти ва ер  
остидаги бундай тафовутни кўриб ёқа  
ушлайсан, киши. Ёйма бозорлар Тошкент  
шаҳрининг марказий ҳудудларида ҳам  
учрайди. Юнусобод дехкон бозори худ-  
дида қарашли ер ости ўтиш йўлида оёқ  
қўйишга жой қолмаган. Қўйлик мавзеси-  
даги автобус бекатлари ҳам чайковчилар  
билан тўлиб кетган. Қўйлик бозорига  
турии худудлардан дехконлар мева-саб-

Али Ризо: “Муфтий ҳазрат, бизда ҳукумат  
хукм қилади, ишини биз бажарамиз”, —  
деди.”  
Юқоридагидан хулоса шуки, фуқаро-  
лар жамият тараққиётига бефарқ бўлмай,  
қонуларга итоат этмоғи даркор.

Сарвиноз САКОНОВА

**Muloqaza uchun mavzu**

## “Гар адаб бермас, ота дейилмас”

Президентимиз топширигига биноан, алдов йўли билан Яқин  
Шарқдаги қуролли можаролар ҳудудига бориб қолган 156 нафар  
юртдошимиз, асосан, аёллар ва болалар махсус авиарейсда  
Тошкент шаҳрига олиб келинди. Адашган ватандошларимизнинг  
қисмати билан танишар экансиз, ақл бовар қилмас даҳшатлар кўз  
олдингизга келади.

**АЖАЛ ЧАНГАЛИДАН ҚАЙТГАН ЮРТДОШИМИЗ ГУЛСОРА  
МАМАТОЛИПОВА UZA.UZ САЙТИГА БЕРГАН ИНТЕРВЬЮ-  
СИДА ШУНДАЙ ДЕЙДИ:**

“Катта ўғлим илм олишга қизиқгани учун қишлоқдаги мадрасага  
ўқишга қатнай бошлади. Лекин бир кун шу мадрасага бомба тушди...  
Ҳали ун саккизга тулмаган ойдек дилбандим шу фожида парча-парча  
бўлди... Бўйи-бўйимдан баланд, орзулари бир дунё бўлган болажоним-  
нинг тирноғини ҳам топа олмадим...”

Ҳаётини тажрибага эга бўлмаган  
ёш ота-она қандай қилиб барка-  
мол авлодни тарбиялайди. Ахир  
уларнинг ўзи тарбияга муҳтож  
бўлса...

Яна бир жиҳат, катта авлод  
вакиллари фарзанд тарбиясидан  
ажралиб қолаётгандек, назари-  
римда. Уларнинг аксарияти иш  
ва пул топиш билан банд бўлиб  
боласининг қизиқиши, истагига  
қулук тутишга вақт топа олма-  
япти. Ваҳоланки, бола тарбияси-  
да ота-онанинг ўрни муҳим. Ай-  
никса, фарзанд балогат ёшида  
таъсирчан, одамови бўлиб қола-  
ди. Арзимаган нарсаларга қизишиб,  
оддий воқеа ҳам унга фожиа-  
дек кўринади. Ота-она бундай  
вақтда уларни бир зум ҳам эъ-  
тиборсиз қолдирмай, дилбанди  
кўнглида



Ҳаётини тажрибага эга бўлмаган  
ёш ота-она қандай қилиб барка-  
мол авлодни тарбиялайди. Ахир  
уларнинг ўзи тарбияга муҳтож  
бўлса...

Ҳаётини тажрибага эга бўлмаган  
ёш ота-она қандай қилиб барка-  
мол авлодни тарбиялайди. Ахир  
уларнинг ўзи тарбияга муҳтож  
бўлса...

Ҳаётини тажрибага эга бўлмаган  
ёш ота-она қандай қилиб барка-  
мол авлодни тарбиялайди. Ахир  
уларнинг ўзи тарбияга муҳтож  
бўлса...

Ҳаётини тажрибага эга бўлмаган  
ёш ота-она қандай қилиб барка-  
мол авлодни тарбиялайди. Ахир  
уларнинг ўзи тарбияга муҳтож  
бўлса...

**“ФАРЗАНДИНГ БИЛАН ДИЛДАН СУҲБАТЛАШ-  
ГАННИНГ ЭСЛАЙ ОЛАСАМИ, ДЕБ СЎРАДИМ.  
ДЎСТИМ БОШ ЭГИБ “ЙЎҚ” ИШОРАСИНИ ҚИЛДИ.  
ЎЙЛАБ КЎРИНГ, ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ БИЛИМЛАР-  
ГА ЭГА БЎЛМАГАН ОТА ФАРЗАНДИГА ҚАНДАЙ  
ҚИЛИБ ТЎҒРИ ТАРБИЯ БЕРА ОЛИШИ МУМКИН.**

“Гар ўғил беадабдир, фарзанд  
эрмас,  
Гар адаб бермас, ота дейил-  
мас”.

Рашид АХМАДАЛНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Қуrolли Кўчалари академияси  
кафедра бошлиғи

**Achchiqtosh**

Кундалик газеталарни варақлаб  
(ҳа, варақлаб, ўқиб эмас!) ўтирибман. Сарлавҳаси,  
нари борса, хатбошисини ўқиб, четга суриб қўяман.  
Барида бир хил гап:

**“ЯНГИ СПОРТ ИНШООТИ ФЙДАЛАНИШГА  
ТОПШИРИЛДИ”, “МАДАНИЯТ МАРКАЗИ  
ОЧИЛДИ”, “ҚЎШИМЧА ИШ ЎРИНЛАРИ  
ЯРАТИЛДИ”, “ТАЪЛИМ СИФАТИ ОШИРИЛДИ”  
ВА ҲОКАЗО. АСЛИДА ҲАМ ШУНДАЙМИ?**

Телевизорини ёқаман. Яна ўша гаплар.  
Фақат видеотасвирларда. Юртимизда  
кад роллаётган спорт иншоотларини  
кўрсатишяпти. Шукроналик ва мамну-  
ният билан сўзлаётган спортчи бола-  
лар... Бошқа каналда футбол бўляпти:  
майдонда Ўзбекистон терма жамоаси.  
Хужумчимиз тайин бўлиб турган голни  
ура олмади. Шарҳловчи: “Футболчи-  
мизга тажриба етишмади”, деб изоҳла-  
ди. Ажабо, 26 ёшли футболчи-я?!  
Кулгим кистади. Нега дейсизми?

1958 йилги футбол бўйича жаҳон  
чемпионатида Бразилия терма жамоа-  
си таркибда 17 ёшга ҳам тулмаган  
Дико Насименто (Пеле) тўп сурарди.  
Рио-де-Жанейро кўчаларида латта қоп-  
қоп қилиб, футболга меҳр қўйган, отасининг  
ёнида ишлаб, касалхона хожатхонасини тозалаб  
юрган болакай майдонга тушганида ҳамма  
устидан қулди. Ярим финалда жаҳоннинг  
“Митти” (лакаби) футболчиси 23 дақиқа  
ичида учта гол уриб, Бразилия термасини  
финалда олиб чиқди. Финалда Насименто  
рақиб дарвозасига иккита гол киритди. Кей-  
инчалик уни барча “футбол қироли” деб атай  
бошлади.

# “Арпа далалари”дан репортаж



Яна бир футболчи замондошимиз —  
Лука Модричнинг тақдирини ҳам қизик.  
Уйдагилари уни футбол мактабига олиб  
борганида: “Жуссаси қичкина, нимжон”,  
деган жавобни эшитди. Орадан йиллар  
ўтиб, ўша нимжон болакай (2018 йилда)  
дунёнинг энг кучли футболчиси дея тан  
олинди.  
Бундай мисоллар кўп. Юқорида тилга  
олинган спортчилар, бир жамоа бўлиб

ишлаб олган ва ҳаракатдан ҳеч қачон тўх-  
тамаган. Майдонда эса улар тўпни шери-  
гидан қизганмаган.  
Биз асосан яққа баҳсларда яхши нати-  
жаларга эришяптимиз. Фақат битта муаммо  
бор: Осиё ва жаҳон биринчиликлари, ҳат-  
то Олимпияда ўйинларида чемпион бўл-  
ган спортчиларимизнинг шағти негандир  
кейинги мусобақаларда анча пасайиб қо-  
лади. Сабаби оддий: ё юлдузлик касалига

**“ЎҚИШГА ҲУШИ ЙЎҚ, МУДРАБ ЁТГАН  
ТАЛАБАЛАР ЭЪТИБОРНИ ТОРТАДИ.  
ЎЗИНГНИ ҲАМ, БОШҚАЛАРНИ ҲАМ  
ҚИЙНАБ НИМА ҚИЛАСАН, ДЕЙДИГАН ОДАМ  
ЙЎҚ. СЎРАСАМ: “МЕН АДАШИБ КЕЛИБ  
ҚОЛГАНМАН”, ДЕЙДИ.**

учраб машғулотларни ташлаб қўйган, ёки  
интервью беравериб, шугулланишга вақти  
йўқ!

Балки спортчиларимизни ҳадеб кўкка  
кўтаравермай, гапабозонганида сами-  
мий табриқлаб қўя қолсак, етарлидир?  
Озгина танқид ҳам зарар қилмайди. Ана  
шунда чемпион бўлдим, дея оёғи ердан  
узилмайди, янада олға интилади.

Хонада ўтираверганимиз, келинг, яхши-  
си, ташқарига чиқамиз. Мана, ўша теле-  
визорда кўрсатаётган Маданият саройи.  
Ҳамма ёғи обод. Ичкарига қирайлик-чи.  
Ўх-ҳў, шароитлар зўр-ку! Интернет, компь-  
ютер масаласида муаммо йўқ. Хоналар  
шинамгина жиҳозланган. Бирок саволлар  
туғили бошлади. Масалан, нега тўғрақлар  
орасида миллий чолғу ёки маком йўнали-  
шидагилари йўқ? Нега жаҳондаги китоб-  
ларнинг аксарияти илмий ёки расмий маъ-  
рузалар тўпламларидан иборат? Ёшларни  
бадний асарлар қизиқтирмай қўйганими?..

Шунча шароитга яраша тузукроқ иш  
олиб борилса эди. Ундан кўра бундай из-  
монвий бинолар ёш оилаларга, кам таъ-  
минланган юртдошларимизга фойдала-  
нишга берилгани маъқул. Ие, ана бўлмас.  
Бу бинолардан бир километр радиусда ҳеч  
вако йўқ-ку! Қани анави шодон илжайиб,  
интервью берганлар, кўринмай қолди?  
Ўргимчак тўрига ўралашиб кўрай-  
лик-чи, нима гап экан. Ана, 9 май — Хо-  
тира ва кадрлаш кунини арафасида сўров  
ўтказилляпти. Бир ўспиринга микрофон  
тутиб, савол беришяпти: “Иккинчи  
жаҳон уруши қачон бўлган?”. У эса ўй-  
ланибгина: “1942 миди?..” қабилида жа-  
воб қайтарди. Уят-ей, ахир, бу мавзулар  
мактабда ўтилади-ку. Эҳ, булар 7-синф-  
да ўқиётган Исламжонни бир кўрса эди.  
Исло ким дейсизми?

Акам билан Жиззахнинг бир чеккаси-  
да яшайдиган ўқитувчи опамизни йўқлаб  
бордик. Суҳбатлашиб ўтирганимизда,  
эшиқдан бир йиғитча кириб келди. Ўқи-  
тувчимиз: “Бу ўқувчимиз — Исло Каримов.  
Яқинда тарих бўйича фан олим-  
падасининг шаҳар босқичига чиқди.  
Билими сустилик қилди, иккинчи ўрин-  
ни олди. Энди янаям яхшироқ ўқишга  
ҳаракат қиляман. Ўзи ҳам тиришқоқ  
бола”, деб уни таништирди.  
Биз Исломини саволга тутдик. Антик  
даврдан бошлаб, хонликларнинг парча-  
ланишига биронта ҳам мавзу қолмади.  
Болапакир бизни мот қилиб қўйди. Бошқа  
бундай устимиздан қулмаслигини сўраб,  
ўқитувчисига “шиқоят” ҳам қилдик.  
Энди университетларни ораласак, нима  
дейсиз? Ўқишга ҳуши йўқ, мудраб ётган  
талабалар эътиборни тортади. Ўзингни  
ҳам, бошқаларни ҳам қийнаб нима қил-  
сан, дейдиган одам йўқ. Сўрасам: “Мен  
адашиб келиб қолганман”, дейди.  
Э тавба, адашиб-а?! Қизғин, ўша  
“адашган”ларнинг касрига барча билим-  
дон ёшлар олий ўқув юртига қиролмай,  
сарсон бўлиб қорибди.  
Тенгдош жўрам Самарқандга ишлаб,  
ҳам унинг пул жўнатди, ҳам ўқишга тай-  
ёрланди. Ҳаракатлари бесамар кетмади.  
Энди у талаба.  
Ҳайбаракаллачиликни йиғиштириб,  
бўлаётган воқеа-ҳодисаларни борича  
ёзданган пайт келди. Бизда мураббийлар  
қачон Бразилиядаги каби истеъдолларни  
кидиришни бошлаш экан, билмайман.  
Сизга айтсам, шу чоккача исталган  
муаммога арпа унини баҳона қилиб  
яшадик. Бу ҳаракатимиз “арпа далала-  
ри”ни кўпайтиришдан ўзгасига ярама-  
ди. Ҳозир ҳам шунча шароити имкони-  
ятларни ўша “арпа”ларни етиштиришга  
сарфлашимиз, холос. Фойдаси бўлса,  
кошки эди...

Бунёд АБДУЛЛАЕВ




Artur Konan DOYL

Artur Konan Doyl — 1859-yilda Edinburgda tavallud topgan. Adib Edinburg universitetida tahsil oldi. Yozuvchilikdan tashqari fizika va tibbiyot bilan shug'ullangan.

Mutolaa san'ati

Sehrli eshik ORTIDA

Kitob javoningiz kambag'al bo'lsa ham, kamtarona kulbangizga ko'rk bag'ishlab turadi. Kutubxonangiz eshigini ichkaridan zichlab yopib, barcha g'am-tashvishlari bilan bu dunyoni unuting.



Kitobga ega bo'lish har narsadan totliroq edi. Quyi qatoridagi jigarrang jildlarni ko'ryapsizmi? Ularning har bittasi mening bitta tushligim evaziga kelgan: talablik davrimda, harqalay, boy bo'lmagan paytimda xarid qilganman.

Kitob javoningiz kambag'al bo'lsa ham, kamtarona kulbangizga ko'rk bag'ishlab turadi. Kutubxonangiz eshigini ichkaridan zichlab yopib, barcha g'am-tashvishlari bilan bu dunyoni unuting.

Chindanam, qator terilgan kitoblar orasida qandaydir vahmi his etasiz, odatdagidek, faqat shu tuyg'ugina sizni beixtiyor o'zingingiz sehrli olamiga tortib ketadi. Bosmaxona bo'yog'i surlilgan charm muqovali motam libosiga burkangan har qanday kitob — qalb mo'miyosi.

Biz bemisil huzur-halovattan bahramand bo'lishdek imkoniyatimizning qadriga yetayormiz. Tasavvur qiling: kutilmagandagina xabar keldi — Shekspir qayta tirilibdi, u kim bilan bo'lsa ham donishmandligi va taassurotlarini o'rtoqlashishga tayyor turibdi!

Yuring, men bilan birga sehrli eshikning ortiga, yashil divanga cho'king, bu yerda sizga jild-jild kitoblar notekis terilgan eski dub javon yaqqol ko'rinib turadi. Chekishingiz mumkin. Kitoblar haqidagi hikoyamni tinglashga rozimisiz? Men uchun bundan ortiq yoqimli mashg'ulotning o'zi yo'q, chunki kutubxonadagi har qaysi kitob jonjon do'stingizga aylangan.

Oltin meros



VOBKENT MINORASI — milodiy 1196-1198 yillarda bunyod etilgan. Minora Xoja Abdulkholiq G'ijduvoniylarning buyrug'i bilan qurdirilgan. G'ijduvoniylar vafotidan so'ng uning muridi Burhoniddin Abdullaziz II qurilish ishini nihoyasiga yetkazgan.

Azim AXTAMOV tayyorladi.

Mahorat maktabi TAFTISH

Ilm olish, bilimga intilish yo'lda rejalarim juda ko'p. Asosiy, bu maqsadim kelgusidagi orzularimga erishishda debocha bo'ladi. Izzatlash, intilish, tashabbus bilan o'qimoqchiman. O'zim uchun emas — kelajak uchun!

Har kuzning ilk kunlarida o'z oldimga yangi maqsadlar, rejalar qo'yaman. O'quv yili so'ngida "Topganlarim va yo'qotganlarim" nomli sarhisob daftarimni varaqlayman. Erishgan yutuqlarimni ko'rib, yuzimda tabassum uyg'onadi, armonlarda ko'zim yoshlanadi.

MUSHTARIY

O'tgan o'quv yilidan xulosa shu bo'ldiki, kimgadir ishonchimiz so'nib, nimadandir voz kechib yashadik. Bu yilgi maqsadim hech nima yo'qotmagan holda o'quv yilini yakunlash. Umuman, vaqtimni samarali taqsimlab, universitetni hech qanday muammosiz tamomlab olishni xohlayman.

NILUFAR

Ilm olish, bilimga intilish yo'lda rejalarim juda ko'p. Asosiy, bu maqsadim kelgusidagi orzularimga erishishda debocha bo'ladi. Izzatlash, intilish, tashabbus bilan o'qimoqchiman. O'zim uchun emas — kelajak uchun!

GULJAHON

Har kuzning ilk kunlarida o'z oldimga yangi maqsadlar, rejalar qo'yaman. O'quv yili so'ngida "Topganlarim va yo'qotganlarim" nomli sarhisob daftarimni varaqlayman. Erishgan yutuqlarimni ko'rib, yuzimda tabassum uyg'onadi, armonlarda ko'zim yoshlanadi.

AZIZA

Yangi o'quv yilini o'tgan yilgidek yengil orzular bilan emas, juda katta maqsadlar bilan boshladim. Avvalo, chet tillarini mukammal va mustaqil o'rganish, sevgan sohamga oid qo'shimcha adabiyotlarni o'qish va amaliy mashg'ulotlarga bor kuch-g'ayratimni sarflamoqchiman. Ha, men uddalayman. Chunki maqsadim aniq. To'xtashga esa haqqim yo'q.

GULMIRA

Bu o'quv yilini tanamdagi shiddat, qalbidagi o't bilan boshlayman deb, niyat qilardim. Mana, o'sha kun ham yetib keldi. Biroq yurakdagi orzular orzuligicha qoldi. Fikrlarim biroz chalkashgan. Baribir, to'xtashni xohlamayman. To tirik ekanman, menga bildirilgan ishonchni oqlashim kerak.

AZIM

men ma'naviy ehtiyojga ustunlik berganimda ajoyib damlar boshlanardi: qadimgi almanaxlar, shotland kitoblari hamda logarifm jadvallari ustida toki ajratgan pulimni ortig'i bilan qo'plab bo'lgunimcha tinimsiz bosh qotardim. Mana bu javondagi qayta tikilgan muqovalarga qarang, harqalay, yomon kitoblarni tanlamaganimni ko'rib qo'ying.

Bu kitoblar hamisha mana shunday g'arib bo'lmagan. Pishiq teridan qoplangan muqovasiga, qorayib ketgan zarhal sarlavhalariga qarang. Bir vaqtlar ular shukuhli kutubxonalar javonlarining ko'rki bo'lgan va hatto, shu yerda ham, tasodifiy almanaxlar va ma'ruzalar orasida o'zining avvalgi salobatini saqlab turibdi, go'yo sobiq kibor xonimning bir vaqtlar urf bo'lib, hozir eskilik sarqitiga aylangan ipak ko'yilgiga o'xshaydi. Bizning zamonlarga kelib, qog'oz muqova bois nashr ishlari arzonlashdi, ommaviy kutubxonalar soni ko'payib, kitob o'qish qulay, oson bo'lib qoldi.

Endi esa sabrli do'stim, bizning xayrlashadigan vaqtimiz yetdi va umid qilamanki, qisqa pand-nasihatlarimni sizni zerkiritib qo'yim. Mabodo avval barmagan joyingizga olib kirgan bo'lsam, bu yo'l to'g'ri ekaniga ishonib, endi mustaqil davom eting. Ehtimol, urinishlarim behuda bo'lgandir? Buning ham sira qo'rqinchli joyi yo'q, mening harakatim va sizning vaqtiniz bekor ketgan bo'lsa ham mayli. Balki men ko'plab katta xatolar qilgandirman, biroq noaniq iqtiboslar keltirish hikoyachiga intiyoz bermaydimi? Balki fikr-mushohadalarim siznikidan keskin farq qilar, menga ma'qul bo'lgani sizga yoqmas; xullas, nima bo'lganda ham kitob to'g'risida xayol surish, suhbatlashish hamisha maroqli.

Hozircha sehrli eshik ortimizda yopiq turibdi. Siz hali ham g'aroyib mamlakatda yuribsiz. Afsuski, bu eshikni yopsak-da, muhrlab qo'ya olmaymiz. Eshik hamda telefon qo'ng'irog'i sizni ortga qaytishga undaydi. Mashaqqatli mehmatning qashshoq olamiga, har kungi turmush tashvishlari bilan odatdagi kurashga chorlaydi. Nima ham qilardik, bu haqiqiy hayot, kitoblar esa hayot tasviri, xolos. Baribir, endi sizga eshik ochiq, biz ikkimiz tashqariga yo'l oling ekaniz. "Sehrli Eshik"ning ortida biz topgan sokinlik, olijanoblik va xotirjamlikni dilda saqlab, yanada kuch-quvvatga to'lib o'z taqdirimizni qarshi olmaymizmi?!

Rus tilidan HUMOYUN tarjimai.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI HUZURIDAGI DAVLAT BOSHQARUVI AKADEMIYASI QOSHIDAGI YOSHLAR MUAMMOLARINI O'RGANISH VA ISTIQBOLLI KADRLARNI TAYYORLASH INSTITUTI 2020-yil uchun oliy o'quv yurtidan keyingi ta'lim institutiga Yoshlarga oid muammolarni tadqiq etishga oid quyidagi ixtisosliklar bo'yicha QABUL E'LO'N QILADI

TAYANCH DOKTORANTURA: (ishlab chiqarishdan ajralgan holda o'qish uchun)

- 08.00.13 — "Menejment" — 1 o'rin;
22.00.01 — "Sotsiologiya nazariyasi, tarixi va metodologiyasi" — 1 o'rin.
Tayanch doktoranturaga nomzodlarga quyidagi talablar qo'yiladi:
— magistr darajasi yoxud oliy ma'lumot to'g'risidagi diplom (mutaxassislik dasturlari bo'yicha) ega bo'lish;

Talab qilinadigan hujjatlar:

- 1. Ariza.
2. Qisqa biografik ma'lumotnoma (obyektivka).
3. Mehnat daftrachasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun).
4. Oliy ta'lim muassasasi magistraturasi diplom yoki oliy ma'lumot (mutaxassislik dasturlari bo'yicha) to'g'risidagi diplom nusxasi.

DOKTORANTURA: (ishlab chiqarishdan ajralgan holda o'qish uchun)

- 23.00.02 — "Siyosiy institutlar, jarayonlar va texnologiyalar" — 1 o'rin.
Talab qilinadigan hujjatlar:
1. Ariza.
2. Boshqa oliy o'quv yurtidan kelgan talabgorlar uchun rektor nomiga xat.

Talab qilinadigan hujjatlar:

- 1. Ariza.
2. Qisqa biografik ma'lumotnoma (obyektivka).
3. Falsafa doktri (PhD) ilmiy darajasi oluvchi uchun mustaqil izlanuvchi sifatida rasmiylashtirish uchun magistrlik yoki oliy ma'lumot (mutaxassislik dasturi bo'yicha) to'g'risidagi diplom nusxasi.
4. Fan doktri (DSc) ilmiy darajasi oluvchi uchun mustaqil izlanuvchi sifatida rasmiylashtirish uchun fan nomzodi yoki falsafa doktri (PhD) diplom yoki xorijda olingan so'ng salmoqli ilmiy yutuqlarga erishgan shaxs rasmiylashtiradi.

Hujjatlar 2019-yil 15-sentabrdan 15-oktabrgacha qabul qilinadi. Kirish imtihonlari joriy yilning 1-25 noyabr kunlari bo'lib o'tadi. Manzil: Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 45-uy. Murojaat uchun telefon: (998 71) 232 61 31. Elektron manzil: ilmiy@yomi.uz

Bilasizmi?

- Dunyo yoshlarining 96 foizi ijtimoiy tarmoqlar vositasida o'zaro muloqotga kirishmoqda.
Birinci ijtimoiy tarmoq Rendi Konrads tomonidan 1995-yilda ishlab chiqilgan Classmates.com saytidir. Mazkur tarmoq sobiq sinfdoshlar, kursdoshlar, harbiy xizmatdoshlar va umuman do'stlar o'rtasidagi aloqalarni qayta tiklashga xizmat qilgan.
2004-yilda Harvard universiteti talabasi Mark Sukerberg Facebook portalini yaratdi. O'sha paytda bu saytdan faqat Harvard talabalariga foydalana olgan. Keyinchalik boshqa oliy ta'lim muassasalari talabalar va maktab o'quvchilari ham Facebook imkoniyatlaridan bahramand bo'la boshlagan.
2008-yilda Sukerberg loyihasi dunyoda mavjud ijtimoiy tarmoqlar orasida birinchi o'ringa chiqib, muallif dunyodagi eng yosh milliarder maqomini oldi. Bugun Facebook ijtimoiy tarmog'i 40 ta tilda foydalanuvchilarga xizmat qilmoqda.
2006-yilda amerikalik dasturchi Jek Dorsi Twitter loyihasini ishlab chiqdi. Bu sayt yangi avlod ijtimoiy tarmoqlari orasida yuqori baholandi. Tarmoqda ishlash, servis shakli, xabar yozib qoldirish uslubi odatdagi bloglardan farq qiladi.
"V kontakte" loyihasini peterburglik dasturchi Pavel Durov 2006-yilda ishlab chiqdi. Sayt ko'p jihatdan Facebookka o'xshaydi. Ammo bu fakti loyiha mualliflari inkor etadi. "V kontakte" MDH hududidagi eng ommaviy ijtimoiy tarmoqdir.

MUASSIS O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

BOSH MUHARRIR Faxriddin KARIMOV TAHRIR HAY'ATI
Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Murtazajonov, Mehrnoz Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov, Hamza Abdullayev — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Javlon Vafoyev — mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Navbatchi Karim ZARIPOV
Dizayner Xurshid ABDULLAYEV
Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32. Telefonlar: (71) 150-22-74, (71) 233-95-97, (71) 233-79-69 (faks)
QR kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq. Korxonada: Buyuk Turon ko'chasi, 41. Indeks: 203, 3203 Bahosi kelishilgan narxda. Buyurtma G-913 Adadi — 3282. Boshqa to'plash vaqti — 21.00 Topshirildi — 22.50 O'Z yakuni — 21.50